

“ _____ ” _____ 20 _____ йилдаги
Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари
кўрсатиш бўйича _____ - сонли Шартномасига
4-илова

**“Гарант банк” АЖнинг корпоратив пластик карталарини фойдаланишга бериш ва
хизмат кўрсатиш
ШАРТЛАРИ**

1. ТУШУНЧАЛАР

1.1. **Корпоратив пластик карта (“Карта”)** - корпоратив банк картаси Сақловчига нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картаси бўлиб; Картадан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва “Гарант банк” АЖнинг корпоратив пластик карталарини фойдаланишга бериш ва хизмат кўрсатиш Шартлари ҳамда Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ушбу шартнома билан тартибга солинади;

1.2. **Карта Сақловчи (“Сақловчи”)** - юридик шахс (Мижоз) ва эмитент банк ўртасида тузилган шартнома асосида корпоратив банк картасидан фойдаланувчи юридик шахс ёки у ваколат берган шахс. Бунда юридик шахс банк картаси Сақловчиси сифатида фақат у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузган ушбу юридик шахс ходими бўлган шахсга банк картаси Сақловчиси сифатида ваколат бериши мумкин.

1.3. **Карта ҳисобварағи** - корпоратив пластик картаси воситасида ундаги пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи.

1.4. **Транзит ҳисобварағи** - Сақловчи томонидан Картадан фойдаланиб ўтказиладиган операцияларни ҳисобга олиш учун очилган Мижознинг Банкдаги ҳисобварағи.

1.5. **Карталар бўйича кўчирма** - Банк томонидан тузилган ҳужжат бўлиб, унда Карта эгаси Сақловчи томонидан Карта бўйича амалга оширилган барча операциялар акс эттирилади.

1.6. **Ҳаражатлар лимити** - Карта бўйича ҳаражатлар лимити бўлиб, Мижоз томонидан ўрнатилади ва Карта орқали бажариладиган операциялар ана шу чеклов доирасида ўтказилади.

1.7. **“UZCARD” ва/ёки “HUMO”** - Банклараро тўлов тизими. Тўловларнинг ҳудудий тақсимланган тизими бўлиб, унинг базавий элементи банк Карталари ҳисобланади. Тизим ҳуқуқий меъёрлар, меъёрий ҳужжатлар, дастурий-техник ечимлар ва тегишли ташкилий-техник инфратузилмалар мажмуига асосланган; ушбу тизим электрон шаклда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган ва банк Карталарини чиқарувчи банкларни ҳамда товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотувчиларга хизмат кўрсатувчи банкларни, ҳисоб-китоб қилувчи банкни ва “МУНИС” тўлов тизимни, шунингдек процессинг ташкилотини ягона тизимга бирлаштиради.

1.8. **ШИР - Шахсий идентификация рақами** - Карта Сақловчининг тўртта белгидан ортиқ бўлмаган Рақамли паролидир. ШИР шахсан ва махфий тарзда Сақловчи/ишончли шахс томонидан белгиланади/қайта белгиланади ва кейинчалик Сақловчи/ишончли шахс томонидан Картадан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган молиявий ва ахборот операциялар/транзакцияларнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун фойдаланилади

1.9. **Мижоз** – “Гарант банк” АЖ билан банк ҳисобварағи тўғрисидаги шартномани тузилган юридик шахс (тадбиркорлик субъекти ва ҳоказо)

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Мижоз:

2.1.1. Мижоз (мижознинг ваколатли вакили) ушбу Шартларда назарда тутилган банк хизматларини кўрсатиши учун Банкка ариза билан мижозга хизмат кўрсатиш, улар билан келишиш ва мазкур Шартларда назарда тутилган хизматларни тақдим этиш шартлари ҳамда

бошланиш санаси юзасидан ёзма равишда мурожаат қилади, шу жумладан Банкка Карталарни чиқариш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Карта чиқариб бериш сўралаётган ваколатли ходимларнинг Мижоз раҳбари, бош бухгалтери имзолари билан тасдиқланган ва муҳри босилган (агар муҳр мавжуд бўлса) рўйхати (ушбу Шартнома 10-иловасининг 3-Жадвалига мувофиқ);

- Рўйхатда кўрсатилган ҳар бир ваколатли ходимнинг паспорти (ҳужжатдан нусхаси олинади, асл нусхаси қайтарилади).

2.1.2. Банкка Мижоз тўғрисидаги, шу жумладан ушбу Шартлар ва Шартномани бажариш мақсадида Банк билан алоқада бўлувчи Мижознинг жавобгар, ваколатли шахслари тўғрисидаги маълумотларни ушбу Шартнома 10-иловасининг 4-Жадвалига мувофиқ тақдим этиш.

2.1.3. Картани чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қайта чиқариш билан боғлиқ барча тўловларни Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ тўлаш.

2.1.4. Ушбу Шартларнинг 2.1.2-бандида кўрсатилган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида Банкни 2 (икки) иш куни ичида 10-илованинг 4-Жадвалга мувофиқ шакл бўйича хабардор қилиш.

2.1.5. Тарифларда кўзда тутилган Картани бериш шартларига мувофиқ Мижознинг Транзит ҳисобварағига бирламчи маблағларни кирим қилиш.

2.1.6. Кўрсатилган хизматлар учун Банк Тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақини Банкка ўтказиб бериш.

2.1.7. Карталар бўйича чиқим лимитларини тўлдириш учун тўлов топшириқномаси асосида транзит ҳисобварағига Мижознинг ўз маблағлари ҳисобидан, талаб қилиб олгунча асосий депозит ҳисобварағидан зарур миқдордаги пул маблағларини ўтказиш.

2.1.8. Карталар ёрдамида иш ҳақи, шунингдек ижтимоий тусга эга тўловларни амалга оширмаслик.

2.1.9. Банкда Карталарни қабул қилиш. Карталар Мижознинг масъул шахси томонидан ёки бевосита ваколатли ходим/Карта Сақловчи томонидан Мижоз берган ишончнома асосида олинади.

2.1.10. Карталарни Банкдан олган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Картадан фойдаланиб ўтказилган барча операциялар учун жавобгар бўлиш.

2.1.11. Картанинг йўқолгани (ўғирлангани) ёки шикастлангани тўғрисида унинг амал қилишини Банкда ўрнатилган шакл бўйича тўхтатиб қўйиш учун Банкни зудлик билан (оғзаки) хабардор этиш, ва имкон қадар қисқа вақт ичида, лекин 3 (уч) банк кунидан ортиқ бўлмаган муддатда Банкка белгиланган шаклдаги ёзма ариза (жумладан факсимил хабарнома) тақдим этган ҳолда Картанинг йўқолгани ёки ўғирлангани ҳолатини ёзма равишда тасдиқлаш.

2.1.12. Картанинг амал қилиш муддати тугамасдан аввал қайтадан чиқариш зарурати вужудга келса, Банкка қайта чиқариш сабабини кўрсатган ҳолда Ариза ва Мижознинг хатини тақдим этиш, шунингдек Картани Банкка топшириш (мавжуд бўлса).

2.1.13. Ваколатли ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, ушбу ходимдан Картани олиб қўйиш ва меҳнат шартномаси бекор қилинган санадан кечиктирмасдан Картани ёки ушбу Шартларнинг 2.1.1. бандига мувофиқ тегишли ҳужжатларни Банкка топшириш.

2.1.14. Аввал йўқолган деб ариза берилган Карта топилган тақдирда, бу ҳақда зудлик билан Банкка хабар бериш ва Картанинг қайтарилишини 3 (уч) иш куни ичида таъминлаш.

2.1.15. Ҳар бир ваколатли ходимига/Сақловчига Картани ҳисобот таркибида сақлаш учун Мижознинг Бош бухгалтерига масъул сақланиши учун бериш мажбуриятини юклаш.

2.2. Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:

2.2.1. Ушбу Шартларнинг 2.1.1. бандига мувофиқ тегишли ҳужжатлар Банк томонидан олинishi шarti билан Мижознинг Карта ҳисобварағи очилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида рўйхатда кўрсатилган ваколатли ходимлар учун Карталарни бериш,

2.2.2. Зарурат туғилганда, Мижознинг ваколатли ходимига Карта ҳисобварағидан кўчирма

бериш.

2.2.3. Ушбу Шартларнинг 2.1.1, 2.1.2 ва 2.1.14-бандларида кўрсатилган, Мижоз томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқликлар ёки номувофиқликлар аниқланганлиги тўғрисида Мижозга 5 (беш) иш куни ичида хабардор қилиш.

2.2.4. Корпоратив пластик картага иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва дивидендларни ўтказилишига йўл қўймаслик. Шунингдек, корпоратив пластик картадан нақд пул маблағлари берилишига йўл қўймаслик.

2.2.5. Белгиланган Банк Тарифлари ўзгарган тақдирда Банкдаги ахборот стендида, Банкнинг asakabank.uz расмий сайтида, Банкнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида (Telegram, Facebook), Банк биносида ана шу ўзгаришлар кучга киришидан 10 (ўн) иш куни олдин эълонларни жойлаштириш.

1. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Карта Сақловчининг Картасини унинг амал қилиш муддати тугашидан олдин уни қайта чиқариш тўғрисида илтимос билан Банкка мурожаат қилиш.

3.1.2. Картанинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ёзма ариза билан Банкка мурожаат қилиш.

3.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Қуйидаги ҳолларда ушбу Шартларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва Карталарни блокировка қилиш ва/ёки Картанинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш.

3.2.2. Картадан ёки унинг реквизитларидан ноқонуний фойдаланилганини тасдиқловчи ҳолатлар содир бўлганда;

3.2.3. Картадан ваколат берилмаган шахслар томонидан фойдаланилганда;

3.2.4. Мижоз билан тузилган банк ҳисобварағи тўғрисидаги шартнома бекор қилинганда.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ушбу Шартларнинг 2.1.1., 2.1.2. ва 2.1.14. бандларига асосан Мижоз томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатларда ноаниқликлар келиб чиқса, Банк Картани чиқариш ва қайта чиқариш кечикканлиги ҳолатларида жавобгарликни олиб бормади.

4.2. Мижоз ва Сақловчилари ўртасидаги низолар ва келишмовчиликлар учун Банк жавобгар бўлмайди.

4.3. Томонлар ушбу Шартлар ва Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ушбу Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномасига ва унга боғлиқ равишда олинадиган барча ахборотга нисбатан махфийлик режимини сақлаш мажбуриятини оладилар. Томонлар бу ахборотни учинчи тарафга манфаатдор Томоннинг ёзма розилигини олмасдан туриб ошкор этишга ҳақли эмаслар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бевосита кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.